

Шаввол ойи тугашига оз қолди!



15:31 / 28.04.2024 11639

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади”**, деганлар.

Имом Муслим ривояти.

Бугун милодий ҳисоб бўйича 2024 йил 28 апрель, ҳижрий санада эса Шаввол ойининг 19 санаси. Муборак Рамазон ойини кузатганимизга 20 кун бўлади. Тахминан яна 10 кундан кейин Шаввол ойи ҳам ўз ниҳоясига етади. Шаввол ойида 6 кун рўза тутишни унутмадингизми? Ёдингиздан кўтарилган бўлса эслатиб қўйишни лозим деб топдик.

Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

«Ва эслат. Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур» (Зориёт сураси, 55-оят).

Шаввол ойида 6 кун рўза тутиш йил бўйи рўза тутганнинг савобига ноил этади.

Абу Айюб Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади», дедилар Имом Муслим ривояти.

Рамазон рўзаси ўттиз кунининг ўн баробари ўн ой (300 кун), Шаввол ойининг олти кун рўзаси эса (60 кун) икки ой бўлади. Жами 360 кун (бир йил)ни ташкил этади. Натижада, киши бутун йил бўйи рўза тутгандек бўлади. Аллох таоло Қуръони Каримда бундай марҳамат қилади:

﴿يُظْلَمُونَ لَا وَهُمْ وَمِنهَا إِلَّا يُجْرَىٰ فَلَا بِالسِّنَةِ جَاءَ وَمَنْ أَمْتَالِهَا عَشْرُ فَلَهُ بِالْحَسَنَةِ جَاءَ مَنْ﴾

«Ким бир яхшилик келтирса, унинг учун ўн баробари бор. Ким бир ёмонлик келтирса, у фақат қилганига яраша жазоланур. Ва уларга зулм қилинмас» (Анъом сураси, 160-оят).

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Рамазон рўзасини тутиб, ортидан Шаввол ойида олти кун рўза тутса, худди онадан туғилгандек гуноҳлардан фориғ бўлади», деганлар.

Имом Табароний ривояти.

Уламолар: «Шаввол ойи рўзасини ой бошида кетма-кет олти кун ёки ой давомида бўлиб-бўлиб тутиш ҳам жоиз», деганлар.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Шаввол ойи рўзаси кетма-кет олти кун тутилса ҳам, бўлиб-бўлиб тутилса ҳам фазилати тенгдир».

Аллоҳим, Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларида бардавом қилгин, гуноҳларимизни мағфират этгин!

Даврон Нурмуҳаммад